



*Халида АВИЛОВА,
ЎзДЖТУ мустақил изланувчиси
E-mail: khalida72@mail.ru*

ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси, н.ф.б.ф.д. Гулямова М.Х. тақризи асосида

THE ROLE OF AUTHENTIC READING MATERIALS IN DEVELOPING READING SKILLS

Abstract

In world practice, the formation of English reading skills, modernization of innovative activities for the use of modern pedagogical technologies, the gradual formation of reading strategies for reading and understanding original texts, the definition of text features are of particular importance in the development of professional competence in foreign languages. In this regard, by working on the original authentic texts, there is a great demand for philological universities to improve students' reading skills in order to increase the effectiveness of the educational process.

Keywords: authenticity, reading, authentic reading, non authentic reading, reading strategies, reading genre, text types

РОЛЬ АУТЕНТИЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ В РАЗВИТИЕ НАВЫКОВ ЧТЕНИЯ

Аннотация

В мировой практике особое значение в развитие профессионального компетентности в иностранных языках является работа над оригинальными текстами. В связи с этим филологический ВУЗ разъясняет необходимость развития у студентов навыков чтения и совершенствования навыков чтения с целью повышения эффективности учебного процесса.

Ключевые слова: аутентичность, чтение, аутентичное чтение, неаутентичное чтение, стратегии чтения, жанр чтения, типы текста

ЎҚИШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АСЛИЯТДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Жаҳон амалиётида ОТМ талабаларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда инглиз тилидаги ўқиш кўникмасини шакллантириш, замонавий педагогик технологияларни қўллашга доир инновацион фаолиятни модернизациялаш, аслиятдаги матнларни ўқиб тушунишда ўқиш стратегияларини босқичма-босқич шакллантириш, матн хусусиятларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан аслиятдаги матнлар устида ишлаш орқали филологик йўналишдаги ОТМ талабаларда ўқиш кўникмасини ривожлантириш ҳамда таълим жараёнини самарадорлигини оширишда ўқиш кўникмасини такомиллаштириш заруриятини изоҳлайди.

Аслиятдаги матнлар асосида ўқиш кўникмасини такомиллаштириш масаласи барча даврларда таълим-тарбиянинг марказий масалаларидан бири ҳисобланган. Республикамизда инглиз тилини ўқитиш муаммолари Ж.Жалолов, Г.Бакиева, Ў.Хошимов, Т.Сатторов, С.Саидалиев, Г.Маҳкамова каби етук олимларнинг ишларида ёритилган.

Аслиятдаги матнлар устида ишлашнинг айрим жиҳатлари машҳур педагоглар (И. Гербарт, М. Песталоцци, К. Ушинский ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган. Республикамизда аслиятдаги матнлар асосида ўқиш кўникмасини такомиллаштириш масаласи, хусусан, бўлажак инглиз тили мутахассисларининг инглиз тилидаги аслиятдаги матнлар асосида ўқиш фаолиятини ривожлантириш масаласи махсус ўрганилмаганлиги ушбу мақоланинг хозирги кундаги муҳимлик даражасини кўрсатади.

Калит сўзлар: Ҳақиқийлик, ўқиш, ҳақиқий ўқиш, ҳақиқий бўлмаган ўқиш, ўқиш стратегиялари, ўқиш жанри, матн турлари.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим сифатини ошириш мақсадида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълимнинг барча босқичларида жумладан ўрта таълим ва олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг келажакда етук мутахассис сифатида шаклланиши уларда ўқиш кўникмасини ривожлантириш муҳимлигини кўрсатади. Айнан Олий таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишда ўқиш кўникмасини такомиллаштириш профессор-ўқитувчилардан муайян

назарий ва амалий жиҳатдан дидактик билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хорижий тилларни ўқитишда “ўқиш” тушунчаси ҳақида бир қанча илмий-методик таърифлар мавжуд. И.М.Берман ва В.А.Бухбинбера “ўқиш” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: ўқиш деганда, ҳарфий белгиларда ифодаланган нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини пайкаш жараёни тушунилади. З.И.Клиникова ҳам айнан шу каби таъриф келтиради: ахборот ёзма (график) кодлар орқали ифодаланганда у ўқиб тушунилади[17]. Ж.Жалолов “ўқиш тушунчасини таълимшунослар кенгрок маънода қўлашини ўз асарларида баён этади: “ўқиш” график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарқ қиладиган кодга яъни товуш кодига ўтказиш жараёнидир. Чет тили ўқитиш методикасида “ўқиш” жараёни 3 тарафлама жараён: биринчидан ҳарфий матндаги код алмашиши (ҳарфларнинг товушга ўтиши), иккинчидан,

одам бажарадиган тилга оид амал, учинчидан, мулоқот натижасини етказиш тарзи ҳисобланади[8].

Ж. Алдерсон ўқишни қуйидагича таърифлайди: ўқиш ёқимли, қизғин шахсий фаолият бўлиб, ундан завқ олиш мумкин ва бу фаолият турига бутунлай шўнғиб кетиш мумкин. Ўқиш ҳар бир инсон учун турли маънога эга. Айримлар учун ёзилган белгиларни таниш бўлса, бошқалар учун талаффуз ва гапиришни машқ қилишни англатади. Бироқ “ўқиш” ҳар доим ҳам аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Бу фаолият тури билан биз ҳар кун тўқнашамиз ва у бизнинг ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Т.Астиянха “ўқиш” ҳақида шундай фикр билдиради: Ўқишнинг мақсади ёки ўқиш фаолияти бу ўқилган материални тушуниш бўлгани сабабли уни “мағзини чақиш” жарёнидан ажратиб бўлмайди. С. Берардонинг фикрича “ўқиш”нинг уч асосий мақсади мавжуд: кундалик ҳаётда яшаш, билим олиш ва ўқиб завқланиш. Биринчи мақсаднинг асосий ғояси – атрофимизда содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга муносабатдан келиб чиқади. Бунда ўқувчи кўча белгилари, рекламалар, жадваллар ва ҳ.к. лардан ўзига керакли маълумотларни олади. Аксинча, билим олиш учун ўқиш асосан синф хоналарида юз берадиган жараён бўлиб, аниқ бир мақсадга қаратилади. Ўқишнинг учинчи мақсади, яъни маънавий завқ олишда ўқувчи роҳатланади. [7]. С.Нуттал ўқишнинг қуйидаги асосий ғояларини кўрсатиб ўтади:

-маънога эғалиги;

-маънонинг бир онгдан иккинчи бир онгга ўтказилиши;

-хабар ёки маълумотни ёзувчидан ўқувчига ўтиши;

-ўқиш орқали маънони қандай олинishi;

-ўқувчи, ёзувчи ва матннинг биргаликда ўқиш жараёнига таъсири.

Ўқувчи матнни икки усул ёрдамида англайди: юқоридан-пастга (Top-Down) ёки пастдан-юқорига (Bottom-Up). Юқоридан-пастга усули қўлланилганда ўқувчи сўз, ҳарфларни диққат билан ўқиш, грамматик ва синтактик қоидаларга аҳамият берган ҳолда маънони очишга интилади. Бундай ўқиш фаолияти асосан ўқишни янги ўргана бошлаган ўқувчиларда рўй беради. Юқоридан-пастга усули орқали маъно англашда, матннинг асосий маъноси очилади, бунда ўқувчи калит иборалар ёки олдинги билимларига таянган ҳолда матн мазмунини тушунишга интилади. Бироқ ўқишнинг энг мақбул йўли бу – интерактив моделдир: бу усулда ўқишнинг ҳар бир таркибий қисми иноватга олинади ва бир бири билан мулоқатга киради. Бу усул пастдан-юқорига ҳамда юқоридан-пастга усулларининг элементлари умумлаштирилган ҳолда қўлланилади.

Бизнинг фикримизча “ўқиш” интерактив жараён бўлиб, жараёнинг марказида ўқувчи ҳамда ёзувчи туради. Ўқувчи ёзилган матн мазмунини юқоридан-пастга усули орқали тахмин қилади ва пастдан-юқорига усули ёрдамида чуқур англайди ва таҳлил қилади. Бу икки усул бир-бирини тўлдирган ҳолда ўқувчига матн мазмунини англашга кўмак беради.

Ж.Жалолов, Г.Т.Махкамова ва Ш.С.Ашуровлар “ўқиш” ни қуйидагича таърифлайдилар: Ўқиш нутқ фаолияти тури бўлиб, таълим беришнинг барча босқичларининг асосий мақсадидир. Ўқувчи маълумот олиш ёки эга бўлган маълумотларни текшириш, ёки ёзувчиларнинг ғоя ва уларнинг ёзиш усулини танқид қилиш мақсадида ўқиш мумкин. Бундан ташқари ҳар биримиз завқ олиш, ўрганаётган хорижий тилдаги билимларни бойитиш мақсадида ҳам мутолаа қиламиз. Ўқишнинг мақсади ўқувчининг матнлар танлашини тўғри йўналтиришидир[9].

Бизнинг фикримизча юқоридаги таърифларга кўра, ўқиш бу ҳарфий белгиларда ифодаланган нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини пайқаш жараёнидир. Ўқиш жараёни бир неча босқичдан иборат бўлиб биринчи босқичи – ёзма матнни идрок этиш; иккинчи босқичи – матндаги тил материални мазмунини чақиш ва учинчи босқичи – матнни ўқиётган шахс рухий ҳолатида рўй берадиган ўзгаришларни ўз ичига олган жараёндир. Кундалик ҳаётда яшаш, билим олиш ва ўқиб завқланиш мақсадлари “ўқиш”нинг асосий мақсадларидир.

Тадқиқот методологияси. Таълим жараёнида қўлланиладиган матнлар икки асосий гуруҳга бўлинади: тузилган матнлар ва аслиятдаги матнлар (тайёр; танланган матнлар). Ж.Жалолов тузилган ва танланган материаллар ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “танланган матнлар” деганда мазмуни ёзувчи томонидан шаклланган, тил ва ҳажм жиҳатидан муаллим ёки дарслик тузувчиси томонидан мактаб шароитига мослаштирилган матн тушунилади. “Тузилган матнлар” оғзаки ўрганилган тил материал асосида ва оғзаки нутқ мавзулари доирасида муаллим ёки дарслик китоби муаллифи тайёрлаган матндир. Ҳар иккала тоифадаги матнлар ҳам ўқиш учун материал вазифасини ўтайди.

Матнлар Ф.Хошбахт томонидан ҳам икки тоифага ажратилади: аутентик (authentic) матнлар ва тузилган (non-authentic) матнлар. Бундай материалларнинг асосий фарқи бири ўқитиш, таълим бериш мақсадида махсус яратилган бўлса иккинчиси ўз она тилида сўзлашувчилар мутолаа қилиши учун яратилгандир[11].

Чет тилларини ўргатиш ва ўрганишда аслиятдаги матнлардан фойдаланиш узок тарихга эга. Аслиятдаги матнлардан фойдаланиш тарихий нуқтаи назардан Грамматика- таржима методи кенг қўлланилган даврларга бориб тақалади. Грамматика- таржима методининг асосий мақсадларидан бири – хорижий тилда ёзилган бадиий адабиётни ўқиш ва уни таржима қилиш ҳисобланган. Ушбу метод XVIII асрда Германиялик олим, профессор Карл Плотз томонидан илгари сурилган ва тил ўқитиш тарихидаги энг қадимий метод ҳисобланади. Бироқ, тил ўргатиш методлари ривожланиши натижасида, аслиятдаги матнлар роли ҳам ўзгариб борди. Бунинг асосий сабаби сифатида ўша даврнинг доминант педагогик ёндашувларининг мақсад ва вазифалари кўрсатилади[6]. XX асрда ўша даврнинг энг илғор лингвистик назарияларини ўзида мужассам эттирган методлар, яъни “Янги метод” (New Method) ва “Аудиолингвал метод” (Audiolingual Method) пайдо бўлди ва бу методлар изчил тузилган материаллардан иборат бўлиб, улар ўқитувчи ва тил ўрганувчиларнинг ҳулқ-атворини белгилаб берганлиги сабабли Ховатт (1984:267) уларга “cult of materials” деб баҳо берган.

Унинг таърифича мазкур ёндашувларнинг устунлиги дарс ўтган ўқитувчининг маҳоратида эмас балки фойдаланилган материаллардадир[16].

XIX аср охирида яшаб ижод қилган ва биринчи тилшунослардан дея эътироф этилган Генри Свифт, ўзи яратган китобларида аслиятдаги материаллардан кенг фойдаланган ва уларнинг афзалликларини яхши билган “Табий, идиоматик матнларнинг сунъий “метод” ёки “усуллар”дан афзаллиги шундаки, бундай матнлар тилнинг ҳар бир хусусиятини яққол кўрсата олади. Сунъий бирликлар, аксинча, муайян грамматик структуралар, лексик бирликлар, сўз бирикмаларининг такрорий қўлланилишига олиб келади.” [7].

Аслият тушунчаси ҳақида 1970 йилларда Чомский ва Хаймс ўртасидаги мунозараларда қайта фикр юритила бошланди ва аслият тушунчаси коммуникатив компетенция тил структураларини эмас балки контекстга

асосланган коммуникацияни рўёбга чиқаришига олиб келди. Хорижий тилларни ўқитишга коммуникатив ёндашув-аслиятдаги материаллардан фойдаланишга йўл очиб берди.

Эндиги фикр ва мулоҳазаларимиз «аслият», «аутентик материаллар», «аутентик матн» тушунчаларининг тавсифига доир бўлади. Аслият тушунчаси ва унинг роли ҳақидаги мунозаралар йиллар давомида мураккаблашиб борди ва ҳозирги кунда дискурс таҳлил, прагматика, маданиятлараро мулоқот, социолингвистика, этнология, когнитив ва социал психология, информацион технология каби кўплаб соҳалардаги илмий изланишларни қамраб олди.

Merriam Webster's unabridged dictionary (on-line) лугатида аслият (ингл. authenticity) тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “асл, ҳақиқий, асл нусхада яратилган, сохта эмас”. Longman Dictionary of Contemporary English (on-line) лугати ушбу иборани “асл ёки анъанавий йўл билан қилинган; далилга асосланган; ҳақиқий” деб таърифлайди.

С.И.Ожегованинг Рус тилининг изоҳли лугатида (Толковый словарь С.И.Ожегова) аутентик сўзи ҳақиқий, асл, аслига мос, Т.Ф.Ефремованинг Рус тилининг янги лугати - биринчи манбадан олинган, аслига мос, асл, С.А.Кузнецованинг Рус тилининг изоҳли лугати (греч. authentikos) ҳақиқий, асл, аслига мос деб таърифланган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида асл манба - бирор асар ёки матннинг шарҳланмаган, бошқа тилга таржима қилинмаган, таҳрир қилинмаган (муаллиф тузатишлари бундан мустасно) асл нусхаси деб таърифланади[15].

Методик атама ва бирликларнинг янги лугатида “аслият” (грекча authentikos) - асл, биринчи манбадан олинган. Аслиятдаги материаллар - тил ўрганувчилар учун давлатнинг реал ҳаётида фойдаланиладиган материаллардир. Газета ва журналлар, жамоат транспортлари ва театр чипталари, хатлар, реклама, радио ва телевидения эшиттиришлари, эълонлар ва бошқалар аслиятдаги материаллардир. Аутентик матн – оғзаки ва ёзма матн бўлиб, у тил ўрганувчилар тилни билиш даражасидан келиб чиқиб адаптация қилинмаган, яъни тил соҳибининг нутқ жараёнидаги реал махсулотидир[14].

Тил ўргатиш ва амалий лингвистика Лонгмен лугатида (Longman Dictionary of Language Teaching and Applied Linguistics) аслият тушунчасига қуйидагича

таъриф берилади: “аслият – тил ўргатишда фойдаланиладиган материалнинг табиий оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларига эга бўлишидир. Тил ўргатишда фойдаланилаётган материаллар аниқ бир тил бирлигини (матнни ўқиш, тинглаш ёки суҳбатни моделлаштириш) ўргатиш учун махсус яратилган ёки реал ҳаётдан олинган манбалардан иборат бўлиши мумкин. Газета, журнал, радио ва телевидение дастурларидан олинган нутқлар аслиятдаги материаллар деб айтилади. Ушбу манбалардан олинган материалларда реал ҳаётда қўлланилган тил ўз аксини топган[3].

Г. Пурсел ўқув материалининг аутентик хусусиятини икки элемент орқали билиш мумкинлигига тўхталиб ўтади. Биринчиси, тил соҳиби томонидан ўқувчи учун ёзилган матн. Иккинчи хусусияти – бу матннинг асосий мақсади. Бу икки хусусият аутентик матндан нафақат дарс жараёнида балки кундалик ҳаётда ҳам ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ёрдам бериши шарт. Қисқача қилиб айтганда, матннинг мазмуни ва мақсади унинг аутентик эканлигини кўрсатиши лозим [2].

Марровнинг фикрича аслиятдаги матн ҳақиқий аудитория учун ҳақиқий сўзловчи ёки ёзувчи томонидан яратилган ва ҳақиқий хабарни етказиш учун мўлжалланган ҳақиқий тилдир[3].

Свафарнинг таърифича “оғзаки ва ёзма матннинг асл мақсади – асл, соф маънони етказишдир. Томплисон матн ўз она тилида сўзловчи шахс томонидан ёзилган ёки айtilган бўлиши шарт эмас ва у мулоқотни осонлаштириш учун соддалаштирилган нусхаси ҳам бўлиши мумкин деган фикрни билдиради[5].

Зизик ва Полио эса аслиятдаги материаллар тил ўрганишдан бошқа ҳаётий мақсадлар учун яратилган матнлар бўлиб, улар кўпинча она тилида сўзлашувчилар томонидан тақдим этилмайди деб таъкидлайди[6].

Талабалар учун қизиқарли, фойдалри, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ва уларнинг ижтимоий ҳолатига мос матн турларини танлаш уларнинг ўқиш жараёнини самарали қилишда муҳим роль ўйнайди. Ўқиш кўникмасининг материали хисобланган ёзма матнларнинг бир қанча жанрлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тузилиш ва қоидаларга эга. Ўқувчи матн мазмунини яхши англаши учун бу қоидаларни олдиндан билиши даркор. Д. Браун матнларни уч асосий жанрларга бўлади ва улар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган [1].

Матн жанрлари

Жанрлар	Матн турлари
Академик ўқиш (Academic reading)	Умумий қизиқишни ўз ичига олган газета ва журнал мақолалари (General interest articles (in magazines, newspapers)) Хисоботлар (лаборатория хисоботлари), касбга оид журналлардаги мақолалар (professional journal articles) Қўшимча маълумот олувчи материаллар (энциклопедия, лугат ва х.к.з) Reference material (dictionaries, online encyclopedias, etc.) Иншолар, курс ишлари, битирув малака ишлари (Essays, papers) Тест йўриқномалари (Test directions)
Касбга-оид ўқиш (Job-related reading)	Хабарлар (телефон хабарлари) Messages (e.g., phone messages) Хатлар (Letters/e-mails) Эслатмалар (Memos) Хисоботлар (лойиҳа иши хисоботи) Reports (e.g., job evaluations, project reports) Жадваллар, ёрлиқлар, белгилар ва эълонлар (Schedules, labels, signs, announcements) Анкета сўровномалари, саволномалар, шакллар (Forms, applications, questionnaires) Молиявий хужжатлар (Financial documents) Қўлланмалар, йўриқномалар (Manuals, directions)
Шахсий ўқиш	Газета ва журналлар (Newspapers and magazines)

.	(Personal reading)	Хатлар, табриқномалар, таклифномалар (Letters, e-mails, greeting cards, invitations) Хабарлар, эслатмалар, рўйхатлар ва блоглар (Messages, notes, lists, blogs) Жадваллар (поезд, самолёт ва ҳ.к.з.) (Schedules (train, bus, plane, etc.)) Рецептлар, таомномалар, карталар, календарлар (Recipes, menus, maps, calendars) Эълонлар (Advertisements) Роман, ҳикоя, шеър, ҳажвий асарлар (Novels, short stories, jokes, drama, poetry) Молиявий ҳужжатлар (хисоб рақами, божхона шакллари ва ҳ.к.з.) Financial documents Шакллар, сўровномалар, тиббий маълумотномалар, хорижга чиқиш ҳужжатлари ва ҳ.к.з.) Forms, questionnaires, medical reports, immigration documents
---	--------------------	--

Матн жанрлари ўқувчиларни маълум схемадан фойдаланиш орқали матн мазмунини англашга ёрдам беради. Масалан, агар матн таомнома бўлса ўқувчи матнда қандай маълумот берилиши ва кўрсатмалар кетма-кетлиги муҳимлигини яхши англайди. Яхши ўқувчи матн ўқишдан асосий мақсад, мақсадга эришиш учун фойдаланиладиган стратегиялар ва маълумотни қандай самарали очиш усулларида яхши хабардор бўлиши лозим.

Хулоса ва таклифлар. Ўқиш кўникмаси тил кўникмаларининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида қаралганда унинг муҳимлигини юқорида келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. Инсоният тарихида ўқишга берилган эътибор ва талабнинг кучайиб бориши ва ҳозирги глобаллашув асрида аутентик матнларга бўлган қизиқишнинг кучайиши ёш тил ўрганувчиларга материаллар танлаш ва хорижий тилдаги аслиятдаги матнларнинг хусусиятлари ҳақида кенгрок тушунча беришимиз жуда муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Brown, H. D. (1991). Language assessment: principles and classroom practices. New York: Pearson Education. p:187
2. Dr. Muhammad Saboor Hussain Raja, Relevance of Authentic Materials to the Attention Span of Adult Learners in English Language Classes in Pakistan, 2016. p: 52
3. Jack C. Richards and Richard Schmidt, Longman Dictionary of Language Teaching and Applied Linguistics, Pearson Education Limited 2002 (Third Edition) – 595 p. (P. 42)
4. Swaffar, J. K. (1985). Reading authentic texts in a foreign language: A cognitive model. The Modern Language Journal 69 (1)
5. Tomlinson, B. (2012). Materials Development for Language Learning and Teaching. Cambridge: Cambridge University Press.
6. Zyzik, E. C., & Polio, C. (2017). Authentic materials myths: Applying second language research to classroom teaching. Michigan, MI: University of Michigan Press. Retrieved from <https://doi.org/10.3998/mpub.7892433>
7. Chomsky, N. (1965). Aspects of the theory of syntax. Boston: MIT Press.
8. Hymes, D. (1972). On communicative competence. In J. Pride & J. Holmes (eds.), Socio-linguistics. Middlesex: PenguinBooks
9. Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov Sh.S.. English language teaching methodology. Tashkent, 2015.p-183.
10. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Ўқитувчи НМИУ, 2012. 266-бет.
11. Khoshbakh F., Gorjian B. Using Authentic Materials in Teaching Reading Comprehension to EFL Learners . Journal of Applied Linguistics and Language Learning 2017, 3(2): 48-54
12. Берман И.М.ва Бухбинбера В.А. Очерки методики обучению чтению на иностранных языках. Киев: Высшая школа, 1977.-11-бет.
13. Клычникова З.И. Психологические особенности обучения чтению на иностранном языке. 2-изд. – М.: Просвещение, 1983, 6-бет.
14. Азимов Э., Шукин А.Н., Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 448 с. (с.25)
15. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 700-б.
16. Howatt, A. (1984). A history of English language teaching. Oxford: Oxford University Press p.11
17. Клычникова З.И. Психологические особенности обучения чтению на иностранном языке. 2-изд. – М.: Просвещение, 1983, 6-бет.